

УДК: 634.1

ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА РЕЛЬЕФ, ИҚЛИМ ВА ТУПРОҚ ХУСУСИЯТЛАРИГА КҮРА СОЯ ЭКИННИИ ЖОЙЛАШТИРИШ

Ниязметов Умидбек Худайберганович

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Аннонатция: Уишибу мақолада ер рельефи, иқлим шароити ва тупроқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларининг геоахборот технологияларини қўллаб жойлаштирилиши ҳамда уларнинг электрон хариталари яратилганини акс этирилган.

Annotation: This article describes the placement of agricultural crops using geo-information technologies and the creation of their electronic maps, taking into account the topography, climatic conditions and soil characteristics.

Калит сўзлар: тупроқ, геоахборот технологиялари, экинларни жойлаштириши, электрон хариталар, рельеф, иқлим шароити.


Кириш. Қишлоқ хўжалиги экинларни жойлаштиришда рельеф, иқлим ва шўрланиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, денгиз сатҳидан баландлик омили жуда муҳим ҳисобланиб, ушбу омил бир вақтнинг ўзида билвосита ҳарорат, ёғингарчилик, бугланиш, тупроқ намлиги каби бир нечта кўрсаткичларга таъсир қиласи, бу эса ўсимликлар учун яшаш муҳитини ҳосил қиласи.

Сирдарё вилоятидан танлаб олинган ҳудуд текислик ҳудудида жойлашган бўлиб, соя етиштириш учун мос келувчи ҳудудлар ҳисобланади. Соя ўсимлиги учун бу қулай минтақа деб ҳисобланса ҳам, ўсимлик 2000 метргача бўлган баландликларда ҳам етиштириш мумкин. Ушбу баландликдан юқори бўлган турли хил иқлим омиллари, хусусан қор ёғиши, шохларнинг синишини келтириб чиқаради ва шу билан дарахт ўсишини чекловчи омиллар ҳисобланади.

Ҳудуднинг мутлақ баландлиги денгиз сатҳидан 400 метрдан паст бўлган минтақалар 1 коэффициентга, 2000 метрдан баланд баландликдаги минтақалар эса 0,1 коэффициентга эга. Ушбу параметрни баҳолаш натижалари ГАТда олинган электрон тематик харита 1-расмда ифодаланган.

Қияликнинг таъсири иккита жиҳатдан сезиларли бўлади: биринчиси - эрозия ва тупроқ унумдорлигининг кўрсаткичи сифатида, иккинчиси - экинларни етиштиришда механизациядан фойдаланиш имкониятининг кўрсаткичи сифатида келтирилган. Табиий шароитда соя нисбатан текис ва паст қияликларда ўсади.

Тупроқ намлигини сақлашда қиялик экспозицияларининг таъсир қилиши мухим роль ўйнайди. Маълумки, шимолий ёнбағирда буғланиш ҳар доим қўёшли жанубий ёнбағирга қараганда камроқ бўлади.



1-расм Рельеф хусусиятларига қўра экинларни жойлаштириш натижаси

Иқлим омиллари кўпинча соя ўсиши ва ривожланиши учун чекловчи омиллардир. Бу омиллар жуда кўп: ёғингарчилик, ҳаво ҳарорати, буғланиш даражаси, фаол ҳароратнинг йиғиндиси, шамоллар ва бошқалар. Ушбу параметрлар тўғрисидаги маълумотлар баъзан мавжуд, баъзида тўлиқ эмас ёки уларни топиш ва маълумотлар базасини йиғиши учун қўшимча ишни талаб қиласди. Ушбу параметрларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда барча параметрлар таҳлил қилинди ва энг муҳими танланди, кейин биз факат улар билан ишладик.

Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан танлаб олинган ҳудудларда ҳаво ҳарорати етарли бўлган ҳудудларга киради. Мусбат ҳароратлар йиғиндиси барча ҳудудлар учун етарли ҳисобланади. Сирдарё вилоятидан танлаб олинган ҳудуд сугориладиган майдон бўлганлиги сабабли у учун йиллик ёғин микдори омили таъсирсиз ҳисоблансад, Тошкент вилоятинининг лалми ҳудудларида ушбу омил катта таъсирга эга ҳисобланади. Бироқ ушбу ҳудудларда ҳам йиллик ёғин микдори 400 мм юқори бўлганлиги сабабали бу омил ҳам соя етиштириш учун етарли ҳисобланади. Соя ўсиши учун иқлим шароитини таҳлил қилиш ўртacha йиллик ҳарорат ва ўртacha йиллик ёғингарчилик ва мусбат ҳароратлар йиғиндисини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди (2-расм).




2-расм Иқлим хусусиятларига кўра экинларни жойлаштириши натижаси

Сирдарё ва Тошкент вилоятларидан танлаб олинган ҳудудларда ҳаво ҳарорати етарли бўлган ҳудудларга киради. Мусбат ҳароратлар йиғиндиси барча ҳудудлар учун етарли ҳисобланади. Сирдарё вилоятидан танлаб олинган ҳудуд сугориладиган майдон бўлганлиги сабабли у учун йиллик ёғин микдори омили таъсирсиз ҳисобланади. Танлаб

олинган худудларнинг иқлимий омилларга кўра сератонияни этиштиришга яроқлилигига қараб таснифлашни ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижалари тематик харита ГАТ қатлами кўринишида келтирилган.


Ерларнинг яроқлилигини таҳлил қилиш учун қўйидаги тупроқ хусусиятлари ҳисобга олинган: тупроқларнинг механик таркиби, тупроқ зичлиги, гумус миқдори, фосфор миқдори, калий миқдори ва шўрланиш даражаси.



З-расм Тупроқ хусусиятларига кўра экинларни жойлаштириши натижаси

Чуқур илдиз тизими туфайли соя турли тупроқ турларига мослаша олади. Аммо экинларнинг ҳосилдорлиги, шунингдек ўсиш кучи ва экинларнинг ҳажми асосан механик таркибга боғлиқ. Соя ўсимлиги нисбатан енгил ва ўрта механик таркибли

тупроқларда яхши ривожланади. Оғир тупроқлар хусусан лойлы тупроқларда эса яхши ривожланмайды. Шунга мутонасиб равища тупроқ зичлиги хам мұхим аҳамият касб этиб, соя үсимлиги зичлиги юқори бўлган тупроқларда яхши ривожлнишдан тўхтаб қолади (3-расм).



4-расм Умумий экинларни жойлаштарии натижаси харитаси

Маълумки, ўрганилган ҳудуд тупроқлари органик моддаларга нисбатан камбағалдир. Ўрганилган ҳудудларда гумус миқдори кўп ҳолларда 1,5% дан ошмайди. Шунинг учун бу кўрсаткич дараҳт ўсиши учун мұхим сифатида баҳоланади, бу энг юқори вазн бўйича градациялар жадвалида акс этади яъни Коэффициентлар хам камбағал ва бой тупроқлар орасида жуда катта фарқ қилмайди. Улар таркибида 1 (бой тупроқлар учун) ва 0,5% дан кам органик моддалар бўлган тупроқлар учун 0,6 гача.

ГАТ ёрдамида яроқлиликни таҳлил қилиш натижалари харита кўринишида акс эттирилган бўлиб, унда ўрганилган худуд соя учун яроқлилигининг турли синфлари ифодаланган.

Шунингдек, рельеф, иқлим шароити ва шўрланишни инобатга олган ҳолда алоҳида омилларни баҳолаш хариталарини ArcGIS дастури географик ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда устки қатлам натижаларини таҳлил қилишни бирлаштириб, ўрганилаётган худудлар ерларининг соя этиштиришга яроқлилигини баҳолаш бўйича якуний (интеграл) харита тузилди (4-расм).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Кўзиев Р.К., Бобомуродов Ш.М. Сирдарё вилояти тупроқларини ўрганишда геоахборот технологияларидан фойдаланишнинг самарадорлиги, Agro ILM . – Тошкент, 2019. - №2 (58). - Б. 76-77.
2. Бобомуродов Ш., Тупроқ геоахборот таҳлилий тизими дастурини ишлаб чиқиш, Иқлим ўзгариши шароитида ер ресурсларини барқарор бошқариш, Республика илмий-амалий анжумани, Тошкент, 2017 й.